



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 июнь кунини Минск шаҳрида Олий Евросий иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ЕОИИ билан шерикликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилди.


Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан ҳам икки томонлама учрашув бўлиб ўтди.



Fitch халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон кредит рейтингини «ВВ»-дан «ВВ» даражасига оширди. Бу ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсиш барқарорлиги ва таркибий кўрсаткичларининг доимий яхшиланиши қўлқўллар билан боғлиқ.




2025 йил 26 июнь кунини Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мўғулистонга илк давлат ташрифи раҳбарлари бағишланган «Ўзбекистон ва Мўғулистон: Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги истиқболлари» мавзусида биринчи Ўзбекистон-Мўғулистон экспертлар форуми бўлиб ўтди.



Красноярск ўлкаси ва Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва инвестициявий ҳамкорликни фаол кенгайтиришни режалаштирмоқда.

Ўзбекистоннинг Новосибирскдаги бош консули Аслам Акбаров ва Красноярск ўлкаси губернаторининг биринчи ўринбосари Сергей Пономаренко ўртасида бўлиб ўтган учрашувда ана шу ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама қилинди.



«Замин» фонди қўмағида Тошкент шаҳри даҳлатларининг рақамли респондентлари яратиш жараёни бошланди.

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси nashri

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!
Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган матбуотида, телерадиоканаллар, интернет нашрлари, нашриёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини сиққидилдан адо этиб келаётган сиз, хурматли журналистлар, мухтарам фахрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байраминиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.

Шу маънода, бепоен медиа-оламда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиймасас, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ушбу қўтлуғ айёмда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча хо-

димларига халқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изхор этиш мен учун катта шарафдир.

Азиз дўстлар!
Атоқли жадид бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, «Матбуот тарихи – Уйғониш даври тарихининг бир бўлагидир».

Биз кейинги йилларда, улуг аждодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартини таъминлаш бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шундай ёндашув туфайли медиа маконимизга илғор лойиҳа ва технологиялар, янгича мулк муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий медиа-контентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия ва продюсерлик марказлари фаолияти қўллаб-қувватланаётгани виртуал маконда юксак сифатли, рақобатбардор лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, нашр махсуслотлари фойда солиғидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдоридан белгилангани, кўшилган қиймат солиғини қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирганда, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқла-

рини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиб берди, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини пухта эгаллаган, жонқуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадрли оммавий ахборот воситалари ходимлари!
Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган таклифларни инobatта олиб, бу йил «Олтин қалам»

миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунинида топширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун сизларнинг иштирокида тантанали равишда тақдирланадиган барча танлов ғолибларини ва юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикамиз равақига янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклай, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изхор этаман.

Доимо соғ-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан борака топинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2-саҳифада ўқинг...

ФАОЛ, ФИДОЙИ, ЗАҲМАТКАШ ЖУРНАЛИСТЛАР – ЖАДИДЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИЗДОШИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА
27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАДБИРИ ҲАМДА «ОЛТИН ҚАЛАМ»
ХИХ МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ
ТАНТАНАЛИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

2-саҳифада ўқинг...

«Касба уюшмалари ёшлари – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» Республика ёшлари форуми иштирокчиларининг мамлакатимиз ёшларига МУРОЖААТИ

3-саҳифада ўқинг...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик тамойилини мустақкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ
ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

Дониёров Салим Мусурмонович – «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари тахририяти бош муҳаррири

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович – «Жадид» газетаси бош муҳаррири

**«ДЎСТЛИК»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Амангелдиева Раихан Қдирбаевна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Нукус телерадиомакази филиали тасвир ёзиш гуруҳи катта электр механиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Кенжаева Зоҳида Абдуллаевна – Тўрақўрғон тумани «Давр» газетаси муҳаррири, Наманган вилояти

Матякубов Камол – «Адолат» газетаси муҳарири

Миршарипов Фарходжон Арислонович – Фарғона вилояти телерадиоканали бош муҳаррирининг ўринбосари, Сўх телеканали гуруҳ раҳбари

Орипов Шухратжон Орип ўғли – «Бизнесни ривожлантириш банки» акциядорлик тижорат банкнинг ахборот хизмати раҳбари

Рахимов Абдижолал Абдизиятович – Чиноз тумани «Чиноз ҳаёти» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент вилояти

Титчук Андрей Георгиевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Dunyo bo'ylab» телеканали ахборот-информацион дастурлар муҳарририяти монтажчиси

Уринбоев Сайдулла Мардоневич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma'rifot» телеканали телеоператорлар гуруҳи телеоператори

Хасанов Хайдар Хатамжанович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» ижодий бирлашмаси директори ўринбосари

Хасанов Рўзимбой – «XXI аср» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича муҳарири

**II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН**

Нурматов Акбар Норматович – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ЮНЕСКО ва ихтисослашган медиа кафедраси мудири

Холбекова Баҳор Шайимовна – «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича муҳарири

**«СОҒЛОМ ТУРМУШ»
МЕДАЛИ БИЛАН**

Джумаев Ибраҳим – Навоий вилояти «Саломатлик» газетаси муҳарири

**«КЕЛАЖАК БУЊДКОРИ»
МЕДАЛИ БИЛАН**

Ғиёсов Мирали Абдуллоҳ ўғли – Тошкент шаҳридаги «Sharof plus» нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳа менежери

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абилов Фазлиддин Ибрагимович – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти бош муҳаррирининг ўринбосари

Авазов Дилмурод Батирович – «O'riat Dono» радиоси мусиқа муҳаррири

Адилова Муножот Асроровна – «Daryo.uz» интернет нашрининг тахрир бўлими мусахҳиҳи

Асанов Элдар Энверович – «Asanov formati» телеграм канали асосчиси, блогер

Аҳатов Собит Темирович – «Xabar.uz» интернет нашрининг ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўлими муҳаррири

Гапирова Нигора Умурзаковна – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи муқоваловчиси

Джумаев Хидоят Иноятovich – Бухоро вилояти телерадиоканалининг ижодий ишлаб чиқариш гуруҳи телеоператори

Каршиев Азиз Ражабович – «Kun.uz» интернет нашри муҳаррири

Коробоев Шамшидин – Фарғона вилояти оммавий ахборот воситалари фахрийлар кенгаши фаоли, фотосуратчи

Мадатова Зилола Мухамадалиевна – «Матрифат» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Макаренко Никита Анатольевич – Ижтимоий тармоқлардаги «Effekt Makarenko» саҳифаси асосчиси, блогер

Маматрайимов Холмумин Норқобилович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сурхондарё вилояти бўйича шарҳловчиси

Муминова Гулрух Комиловна – Самарқанд

вилояти «Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари тахририяти махсус муҳарири

Муслимов Шухрат Зикруллаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston MTRK teleradiomarkazi» давлат муассасаси телевидение ва радио қўчма техника хизмати бошлиғи

Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли – Тошкент шаҳридаги «SAS-Media» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Раббимов Камолиддин Мухиддинович – «Kamoliddin Rabbimov» телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер

Рахимов Сарваржон Хамиджонович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston 24» ижодий бирлашмаси сиёсий шарҳловчиси

Рашидова Наргизахон Рашидовна – «Менинг юртим» телеканали эфирга узатиш бўлими муҳарири

Сакаева Элина Ибрагимовна – «Gazeta.uz» интернет нашри муҳаррири

Саматова Салима Абдиназаровна – Касби тумани ахборот-кутубхона маказининг абонент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси, Қашқадарё вилояти

Хамидов Хайрулла Убайдуллаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Sport» ижодий бирлашмаси шарҳловчиси

Шерова Лазиза Шомиловна – «Ўзбекистон овози» газетасининг парламент фаолияти бўлими мудири

Якубжоновна Нилуфар Ойбековна – Андижон вилояти телерадиоканалининг радио гуруҳи катта муҳарири

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 июнь

**ФАОЛ, ФИДОЙИ, ЗАҲМАТКАШ ЖУРНАЛИСТЛАР –
ЖАДИДЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИЗДОШИ**

<< 1

Шу муносабат билан мазкур мухташам саройга соҳа вакиллари, устоз журналистлар, медиа соҳасида хизмат қилаётган ижодкорлар, ношир ва матбаачилар, журналистика йўналишидаги олий ўқув юртлики профессор-ўқитувчилари, олим ва тадқиқотчилар тақдир этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Унга кўра, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик тамойилини мустақкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳамкасбларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзилла Норбоева ана шу мукофотларни ўз соҳибларига топширди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари тахририятининг бош муҳаррири, устоз ижодкор Салим Дониёров, «Шуҳрат» медали соҳиблари, «Gazeta.uz» интернет нашри муҳаррири Элина Сакаева, «Kamoliddin Rabbimov» телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер Камолиддин Раббимов соҳа равақига кўрсатилган эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда кечяётган шиддатли ўзгаришлар жараёни миллий медиа соҳасини ҳам ижобий маънода тубдан ўзгартириб юборди. Сўз ва матбуот эркинлигини амалда таъминлаш, бу борада фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбга чиқариш, барча турдаги оммавий ахборот воситаларини шиддат билан ривожлантириш учун зарур барча шароит ва имкониятлар тўлиқ яратилмоқда. Айни пайтда журналистларимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкадам бўлиши, янада эркин, самарали, кенг қамровли фаолият кўрсатиши



йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Тантанали тадбирда миллий матбуотимиз, ноширлик иши, оммавий ахборот воситалари ривожига кўрсатилган эътибор хусусида батафсил сўз юритилди.

Дарҳақиқат, бугун фаол ва фидойи журналистларнинг бонг уриши натижасида кўтарилган муаммоларга тезлик билан эътибор қаратилиб, улarga ўз вақтида ва ижобий ечим топилмоқда. Бу борада янада дадил ва ташаббускор бўлиш зарурлиги оид ғоя Президентимиз томонидан илгари сурилаётгани ижод аҳлига тобора кўпроқ илҳом бағишламоқда. Бу эса миллий матбуотимизда, интернет нашрларида, телевидение ва радио орқали узатилаётган материалларни янада ранг-баранг, қизиқарли, долзарб, ижтимоий аҳамиятга молик бўлишини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугуннинг фидойи, заҳматкаш, ўзидан ҳам кўра миллат, Ватан, халқ манфаатларини устун биладиган журналистларни юрт истиқболни учун жонини фидо этган жадид боболаримизга қиёсласак, сира муволаға бўлмайди. Зеро, миллий журналистикамизнинг шонли тарихи, унинг тараққиёти ўз тақ-

дирини Ватан, эл-юрт тақдири билан вобаста билган маърифатпарвар жадид боболаримиз фаолияти, ибратли эзгу саъй-ҳаракатлари билан узвий боғлиқ.

Тантанали тадбирда «Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи Холмурод Салимов мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ахборот соҳасида кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётгани, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириши, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига тўхталди, бу йилги «Олтин қалам» мукофоти ҳақида маълумот берди.

«Олтин қалам» XIX Миллий мукофоти учун халқаро танловда 499 та журналист ва ОАВ вакиллари 3 минг 251 тадан зиёд ижодий ишлари билан иштирок этган. Бу ўз навбатида, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, янгила-нишлар жараёнида журналистларнинг фаоллигини кўрсатади.

Президентимизнинг 2022 йил 27 июндаги «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қув-

ватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида 2023 йилдан бошлаб «Олтин қалам» танлови рағбатлантирувчи номинациялари 5 тадан 12 тага кўпайтирилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, 1-ўрин соҳибига Ўзбекистонда белгиланган базавий ҳисоблашнинг 200 баравари, 2-ўрин соҳибига 175 баравари, 3-ўрин соҳибига 150 баравари миқдорда пул мукофоти берилди. Шунингдек, 12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бир ғолиби базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорига пул мукофоти билан тақдирланди.

Журналистлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида ҳар йили танлов Ҳакамлар ҳайъати таркибига йўналишлар бўйича устоз журналистлар, медиа соҳасининг таниқли вакиллари киритилади. Тақдим этилган ижодий ишлар эса мавзунинг ижтимоий аҳамияти, журналистнинг фуқаролик позицияси, танқидий-таҳлилий мушоҳада, сўзга масъулият ва ифода маҳорати, ижодий

фаолиятга янгича ёндашув каби мезонлар асосида ҳолис баҳоланди.

Тадбирда «Олтин қалам» Миллий мукофоти сазовор бўлган ҳамкасбларимизга пул мукофотлари, дипломлар, махсус статуэткалар топширилди. Бош мукофот «Гулхан» журнали тахририятига (бош муҳаррир Заҳро Ҳасанова) насиб этди.

– Мамлакатимизда журналистика соҳасига, айниқса, болалар учун сифатли, мазмунли контент тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда, – деди «Гулхан» журнали бош муҳаррири Заҳро Ҳасанова. – Бу эътибор соҳа ходимларини янада илҳом билан ижод қилишга ундайди. Болалар нашрларида бўлган эътибор келажакка бўлган эътибор, демакдир, Шундай экан, келажакимиз албатта порлоқ бўлади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайридин Султонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов иштирок этди.

Тадбирда муслиқий дастур намойиш этилди.

Назокат УСМОҢОВА,
ЎЗА муҳарири

**ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК
МУКОФОТИ МУБОРАК БЎЛСИН!**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони билан мукофотланган орасида тахририятимиз вакили ҳам бор.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг Сирдарё вилояти бўйича муҳарири **Холбекова Баҳор Шайимовна II даражали «Соғлом авлод учун» ордени** билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали тадбирда Баҳор Холбековага мазкур орден топширилди.

Ҳамкасбимиз, таниқли ижодкор, шоира ва публицист Баҳор Холбековани ушбу юксак мукофот билан қутлаймиз.

**Юксак эътироф
муборак бўлсин!**



Эътибор УМУРСОҚОВА олган суратлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги ҳамда 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган «Касаба уюшмалари ёшлари – янги Ўзбекистон бунёдкорлари» Республика ёшлари форумининг иккинчи кунига Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри мезбонлик қилди. Ёшлар марказида бўлган ушбу тadbирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар касаба уюшмалари кенгашлари раислари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 200 нафарга яқин ёшлар қатнашдилар.



ЯНГИ ТАШАББУСЛАР МАЙДОНИ



Дастлаб форум иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросими ташкил этилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Файзиёва, вилоят ҳокими ўринбосари О.Султонбеков, Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи Н.Хожиев, Нурафшон шаҳар ҳокими И.Қиличқонов каби масъуллар иштирокчиларга самимий тилаклар билдиришди. Сўнгра иштирокчилар Ёшлар марказида «Ижтимоий етакчилик», «Адабиёт ва шеърят», «Ахборот технологиялари ва рақамли инновациялар», «Тасвирий санъат ва дизайн», «Муסיқий ижод ва ижро», «Дизайн ва архитектура», «Илмий тadbирлик ва инновация» каби 13 та йўналишда гуруҳларга бўлиниб, ўз ғоялари ва ишланмалари акс этган тadbиротларини тайёрлашди.

– 2025 йилнинг биринчи ярмида Тошкент вилоятидаги 163 нафар ёш ҳодимга олий ўқув юртлирида таҳсил олишлари учун шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди ва бунга 88 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши раиси С.Файзиёва. – Уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ вақт фойдаланиладиган махсулотлар хариди учун 116 та ёш оилага 80 млн. сўм миқдорда ссудалар ажратилди. 64 нафар ёш ҳодимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 40 млн. сўмга яқин фойсиз ссудалар берилди. Кам таъминланган ёш оилалар вакилларига қарийб 334 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шу-

нингдек, дастлабки ярим йилликда «Раҳбар ва ёш ходимлар учрашуви», «Саломатлик сари», «Мен донорман», «Экотуризм», «Зиёрат туризми» каби бир қанча лойиҳа ва акциялар ўтказилиб, вилоятдаги корхона-ташкilotларда меҳнат қилаётган 2 минг 800 нафарга яқин ёшлар қамраб олинди.

– Бундай форумлар ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, – дейди форум иштирокчиси, «Машъал» газетаси бош муҳаррири Отабек Исроилмов. – Тadbирдаги иштирокчимиз юзасидан «Авлодлар алмашинувида адабиётнинг ўрни: ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашда мавжуд имкониятлар ва келгуси режалар» мавзусида тadbирот тadbирлади. Унда жамиятимиз тараққиёти учун ўз тadbир ва ташаббусларимизни илгари сурганимиз. Масъуллар томонидан улар илқ қарши олинди ва бизга қўшимча маслаҳатлар ҳам берилди. Ёшларнинг ушбу анжумани мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган тенгдошларимиз билан танишиш ва мулоқот қилиш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратгани билан аҳамиятли бўлди.

– Тошкент шаҳридан 13 нафар энг фаол ёшларни олиб келдик, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Толипова. – Кеча ушбу тadbирга Тошкент шаҳри мезбонлик қилди. Республика ёшлари 13 та йўналишга бўлинган ҳолда Ёзувчилар уюшмаси, малака ошириш институтлари, белгилан-

ган объектлар ҳамда бошқа масъул бошқармаларга бориб, керакли билимларни олишди. Улар эндиликда ўз яшаш ҳудудларига кўпгина билим ва кўникмалар билан, яъни дўстлар, тажрибалар билан боришади, бу аниқ.

Яна бир форум иштирокчиси, Термиз ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқитувчиси Отамурод Қиличев тadbир ҳақида куйидаги фикрларни билдирди:

– Биз икки кун давомида қўллаб-қувватлаш ва тажриба орттиришга алаҳқордик. Ўзим муסיқа ва кўшиқчилик йўналишида қатнашаётганим учун пойтахтимиздаги қўллаб-қувватлаш санъат ташкilotларида бўлиб, мутахассислар билан суҳбатлашдим. Буеун эса ўз тақдиримизда элимиз таниган машҳур санъаткорларни, зиёлиларни турли йўналишлардаги меҳнат жамоалари билан учрашишлари юзасидан ўз тақдирларимизни баён этдик. Шу тариқа меҳнаткашларни санъат ва муסיқага яқинлаштириш, маданий ҳордиқ чиқаришга қўмақлашиш имкони яратилди. Бу уларнинг иш фаолиятида унмодорликни оширишга ҳам хизмат қилади.

Тadbир давомида ёшлар бириктирилган йўналишлари асосида ўз ғоялари ва ишланмалари акс этган тadbиротлар ва тақдирларини масъулларга намойиш қилишди. Сўнгра ташкilotчилар томонидан барча фаол иштирокчиларга илғор ғоя ва ташаббуслари учун сертификатлар топширилди.

Кечки пайт эса Марказий ўйингоҳда Муסיқий дастур ташкил этилди. Унда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев барча ёшларни байрам билан самимий қўтлади. Форумни ўтказишга катта ҳисса қўшган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига миннатдорчилик билдирди. Кейин вилоятдаги энг илғор, юксак марраларга эришган, ўз ортидан қўллаб-қувватлаш эргаштирган лидер ёш йигит-қизлар тақдирланди. Эл суйган хонандалар иштирокидаги куй-қўшиқлар эса йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

«Касаба уюшмалари ёшлари – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» Республика ёшлари форуми якунида иштирокчиларнинг мамлакатимиз ёшларига Мурожаати қабул қилинди.

Ҳолида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

«Касаба уюшмалари ёшлари – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» Республика ёшлари форуми иштирокчиларининг мамлакатимиз ёшларига МУРОЖААТИ

Азиз дўстлар,
Муҳтарам тенгдошлар,
Қадри ака-укалар, опа-сингиллар!

Бугун шуни фахр ва ифтихор билан айтаемизки, Янги Ўзбекистон бунёдкори, Миллатимиз Сардори, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ёшларига алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги туйғайли ёш авлод учун мамлакатимизда улкан имкониятлар эшиги очилди.

Бу, айниқса, таълим соҳасидаги кўпдан кўп янгиликларда, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашда уларнинг ғоя ва ташаббусларига кенг йўл очишда янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

Биз, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Касаба уюшмалари ёшлари – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» Республика ёшлари форуми иштирокчилари – айни имконият ва имтиёзлар асосида залворли ютуқларга эришиб келаётган навқирон авлод вакиллари мазкур Форум якунида Сиз азиз тенгдошларимиз – Ўзбекистон ёшларига мурожаат билан чиқишга қарор қилдик.

Форум доирасида 13 та йўналишда ёшлар томонидан эришилган ютуқларни ўз кўзимиз билан кўрдик, шу боис комил ишонч ва ғурур билан айта оламизки, Ватанимиз ёшлари Янги Ўзбекистонни бунёд этишга қодир.

Шу кунларда Тошкент вилояти мисолида юртимизнинг нечоғли катта ўзгаришларни бошдан кечираётганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу жараёнлар нафақат бунёдкорликларда – кўча ва хиёбонлар, янгидан-янги иншоотларнинг барпо этилишида, балки ёшлар онгидаги юксак ватанпарварлик, эртан кунга ишонч ва юрт келажигига дахлдорлик туйғуларидан янада яққол намоён бўлаётгани бизни бениҳоя қувонтирди.

Бу ютуқлардан руҳланиб, қалбимиз фахр-у ифтихорга тўлди. Энг муҳими, энди ўзгаришимиз кераклигини, аввало, ўзимизни янгилашимиз, дунёга теран нигоҳ билан қарашимиз ва бу билан она динимизнинг тараққиёти йўлида камарбаста бўлишимиз зарурлигини англадик.

Азиз ёшлар!
Янги Ўзбекистон келажиги бизники экан, биз бу масъулиятли ва шарафли юкни зиммамизга олишга тайёрмизми?

Президентимиз кунни тунга, тунни кунга улаб, бизнинг келажигимиз ҳақида қайғураётган бир пайтда, биз у кишига муносиб ўғил-қизлар бўла оламизми?
Республика ёшлари форуми иштирокчилари Сиз азизларга мурожаат қилиб, шу азиз она Ватанимиз келажиги йўлида қўлни-қўлга бериб, илм-у маърифат, юксак ватанпарварлик, Юрт Отасига чин садоқат билан уйғонишга, Ўзбекистонимиз дунёнинг энг ривожланган, дунё халқлари ҳавас қиладиган мамлакатга айлантириш учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни – ким илм билан, ким касб-у ҳунар билан, ким миллатимизга хос бўлган одамийлик, инсонийлик фазилатларини атрофимизга тарғиб қилиш билан ҳисса қўшишга чорлаймиз. Тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган турли иллатларга қарши барчамиз бирлашайлик!
Бизни шахсан муҳтарам Юртбошимиз қўлламоқда, ортимизда тоғдек суянч бўлмоқда, бу биз

учун бебаҳо имконият эмасми?
Ҳар бир дақиқаси тарих зарварақларига ёзилишга арзигулик бугунги кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидagi ёшлар, бутун мамлакатдаги тенгдошларимизга мурожаат қиламиз: азиз дўстимиз, унутмангки, Сизнинг томирларингизда Соҳибқирон Амир Темурнинг, улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг, Берунийнинг, Маҳмуд Замахшарийларнинг қони оқмоқда. Сиз дунёни ўзгариштиришга қодирсиз. Ўрнингиздан туринг, олға юринг, зафарларга бош бўлинг!

Бирлашсак, ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлсак – катта кучмиз!

Биз, касаба уюшмалари ёшлари сифатида даъват қиламиз: Миллатимиз номус-у ори, Ватанимиз шухрат-у шони бугун бизнинг азму шижоатимизга боғлиқлигини унутмайлик. Илм, меҳнат ва Ватанга муҳаббат шу йўлдаги ҳамроҳимиз бўлсин!

Биз ўз мурожаатимиз орқали барча ҳудудлар ва тармоқлардаги жасоратли, ташаббускор, билимли ва ватанпарвар ёшларни ҳамфирқликка, ҳаракатга, ягона мақсад – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жам бўлган сафимизга чорлаймиз!

Мақсадимиз шуки, мамлакатимиз ёшлари маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, интеллектуал жиҳатдан етуқ, замонавий дунё мезонлари даражасида фирқлай оладиган, аждодларимиз меросига муносиб ворис бўлиб, дунё саҳнасига чиқсин. Ватанимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларнинг фаол ва бево-сита иштирокчиси ҳамда ҳақиқий таянчи ва суянчига айлансин!

Бу йўлда ёш авлоднинг лидерлик салоҳиятини юксалтириш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, илмий изланишларни рағбатлантириш, маданий меросга муҳаббат руҳини шакллантириш, спорт ва соғлом ҳаёт тарзини оммалаштириш, миллий урф-одатларни қадрлаш, таълим, ижтимоий фаолликни оширишни асосий вазифаларимиз этиб белгилайлик.

Замонамизда кечаётган бугунги жараёнларда, айниқса, ўзбек қизларининг иштироки, илм йўлидаги интилишлари, ўз ақлу касоби билан юрт тараққиётига қўшаётган ҳиссаси алоҳида эътирофга лойиқ.

Президентимиз кўп бор айтганларидек, «*Битта қизни ўқитсак, бутун оилани ўқитган бўламиз. Оила билимли, маърифатли бўлса, бутун жамият билимли, маърифатли бўлади*». Муҳтарам Юртбошимизнинг оқилона сиёсатларини қўллаб-қувватлаган ҳолда билим ва салоҳиятли, оилани муқаддас билган аёлини миллат устуни, деб билайлик!

Азиз ёшлар!
Дунёда юксалиш халқнинг, хусусан, навқирон авлоднинг яқдиллиги, бирлашиши, буюк мақсад сари қўлни-қўлга бериши ортидан юзгага келиши тарихда кўп бор исботланган ҳақиқатдир.

Шундай экан, ҳар бир ёшнинг қалбиди шу азиз юртга муносиб фарзанд бўламан, деган буюк туйғунни уйғотайлик! Ватан келажигига очик юз, буюк мақсадларни қўлаб, қалбимизда эришилган ютуқлардан ифтихор туйиб, елкамизда юксак масъулият ҳисси билан бораёйлик!

Гўзал ва бетакорор Янги Ўзбекистонга муносиб эга бўлайлик!

Журналистика фидойи ва журъатли инсонлар касби. Бу соҳани танлаганлар теварак-атрофга ўзгача нигоҳ билан боқади. Бирор муаммони кўрса, шунчаки кўз юмиб кетолмайди. Виждони, касбий масъулияти бунга йўл қўймайди. Ёзмоқчи бўлганлари, мавзунинг қай жиҳатларига эътибор қаратиши, кимдан интервью олиши борасида ишда ҳам, уйда ҳам тинмай ўйлаб юради. Чунки тақдим этиладиган материал, аввало, мияда пишиб етилади, сўнгра қоғозга тушади, видео ёки аудиоизштиришга айланади.

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ана шундай фидойи ва устоз журналистларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси давра суҳбатига таклиф этди.

Мулоқотда соҳа ходимларининг юртимизда олиб борилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва натижаларини халқимизга етказишдаги жонбозлиги, юртдошларимиз ҳаётида ижобий

ОАВ вакиллари билан мулоқот



ўзгаришлар рўй бериши йўлида қилаётган меҳнатлари эътироф этилди. Учрашува журналистлар олдига турган вазифалар, жумла-

дан, миллий контент яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассис-



лигида 2024 йилдан чиқа бошлаган «Ватан» журналининг дунё ахборий маконидagi аҳамияти, хусусан, журнал саҳифаларидаги контент-

ларнинг тарихий ўзлигимизни англаштига хизмат қилаётганини таъкидлашди.
– Журналистларни иена билан

қудуқ қазийдиган соҳа эгалари, деса, адашмайман, – деди «Саодат» журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмонова. – Бугунги даврада қўллаб-қувватлашимиз билан дийдор қўришиб турганимдан хурсандман. Ҳар йили касб байрагимиз арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси касбдошларимиз қувонч улашиб келяпти. Утган йили ҳам бир ходимимизнинг фарзанди касал бўлиб, операция столига ётқизиши зарур бўлиб қолганида, Федерация раҳбариятининг эътибори ва ғамхўрлиги унинг жонига оро кирганди. Бу йил эса, мана, яна қўллаб-қувватлашимиз билан дийдор қўришиб турган Қўдратилла Рафиқова миннатдорчилигимизни билдирмади.

Давра суҳбатида тажрибали устоз журналистлар Шароф Убайдуллаев, Абдусайд Қўчимов, Турсун Қоратоев, Асаджон Ходжаев ва яна бир гуруҳ соҳа фаоллари сўзга чиқиб, мамлакатимизда яратилган сўз эркинлиги, журналистларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида гапирдилар. Тadbир якунида журналистлар касаба уюшмалари томонидан рағбатлантирилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Қувонч Тўраев ва Эъзола УМУРЗОҚОВА олган суратлар

БАЙРАМ ИЛҲОМИ

МУХБИР

Катта газетада кичик мухбирман, Ҳаётдан излайман мавзу, мақола. Қоғоз-қалам билан туташ тақдирман, Ўзганларим элу юртга ҳавола.

Кўнгул соғингани каби баҳорни, Гавҳар ярашгандек узук кўзига. Фикр янги бўлса, ташбеҳ оҳорли, Қулоқ солади эл мухбир сўзига.

Ўқувчилар фикри асосий мезон, Баҳолар нимага қодирлигини. Дунёга сўз айтиш эмасдир осон, Ижодда исботла ботирлигини.

Саҳифалар юздир, сарлавҳалар қош, Ойдек газетанинг бўлаи адоси. Тишга ботганидек ошдан чиққан тош, Сўзда ўтиб кетса имло хатоси.

Текириб ҳар битта саҳифасини, Ҳаёт хабарларга, бош мақолага... Бежирим газета лойиҳасини Ниҳоят элтаман босмақонага.

Гўё ошқ йиғит оқшом беқарор Кутгандек севимли қизни интизор – Тун бўйи наватчи бўлиб вафдор, Газета дийдорин пойлайман бедор.

Янги газетадан анқийди бўёқ, «Нашрга ижозат!» – чекаман имзо. Кўчага чиқаман, жим-жит ҳаммаёқ, Тонг отар, ҳаёмай қатнайди метро.

Газета тандирдан узилган нондек, Аҳборот асрида топи нонушта. Маънавий озуқа томирда қондек, Юрак тоза бўлар, кўнгул саришта.

Ўйга қайтганимда юракни гашлаб: «Тунда келмадиниз...» – дейди аёлим. Совиған овқатни ейман ёнбошлаб, Газетага кетар яна хаёлим.

Ҳаётим боғланган таҳририятга, Мени қалам билан сийлаган тақдир. Ҳақиқат, адолат, эзгу ниятга Маъсўл мухбирдирман, жавобгар мухбир.

Рустам МУСУРМОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири

ҚУТЛУФ ХОНАДОН ИБРАТЛАРИ

...Биринчи марта кириб борганимда жуда оддий кўринган ва ҳар сафар янгидан келиб кетарканман мен учун салобати ортиб, биноу дарахтлари улғуворлашиб бораётган бу беҳашам хонадоннинг дарвозаси ҳар доимгидек қия очик эди. Демак, ичкарироқ кирсам бўлаверади. Дарвозахонадан ўтиб, тўрт томони уйлару айвон билан ўралган Тошкентнинг бу мўъжаз ҳовлиси ўртасидаги боғча-гулзорга уч-тўрт қадам қолганда тўхтаб, чиройли манзарадан бир дам завқландим: яшил майсаларга йирик-йирик исфарақ ўриклар тўкилиб ётибди. Аввал эшитилган: бу ўрик шихолини эллик йиллар олдин Тоҳир аканинг дадалари Абдумалик ота эканлар. Унинг мевасидан энди сулоланинг тўртинчи авлодидан тортиб маҳалладошлар, қариндошларгача баҳраманд бўлишди.

Секин овоз бераман. Ҳа, секин, оҳиста. Чунки гарчи бу хонадон уйларининг даразалари очик, зиналар олдида пойабзаллар тартибли турган бўлса-да, доим сокинликка дуч келганман. Уша, бу оиланинг тоғдек бошлиғи (ҳар жиҳатдан!) ҳаёт бўлган пайтларда ҳам шундай эди. Бундан қарийб қирқ йиллар олдин Тошкент шаҳри марказидаги республика марказий журналларининг муҳарририятлари жойлашган ўн олти қаватли бинода «Саодат» журнали таҳририятида ишлаган пайтимида қўшни қаватда жойлашган «Шарқ юлдузи» журналида ишлаган Тоҳир Маликнинг олдидан юрак ютиб боролмаганман. Ундан кейин ҳам салобатларини узоқдан ҳис қилардим ва яна билиб-билмай бирор гап айтиб қўйишдан сақланардим. Назаримда, мен асарларидан таниган Тоҳир Маликка салом беришининг ҳам бошқача маъсулияти бордек эди. Лекин мутлақо ундай эмас эди. Ун уч йил олдин бошимга қутилмаганда оғир иш тушди. Маслаҳатга, ёрдамга, тўғри йўл кўрсатадиган инсонга муҳтож эдим. Айримларнинг йўриғи билан кимларнингдир қабулига кирдим, ҳолатимни айтдим, ёрдам сўрадим. Шу пайтгача на яқма-яқма муносабатларда, на жамоада бировни алдамаганман, но-нио шайъига ҳиёнат қилмаганман, ахлоқим ҳақида ҳеч ким ноўрин сўз айтмаган эса-да, ўшанда менга ишонувчилар, ёрдамчи кўя турайлик, ҳеч бўлмаса, тўғри маслаҳат берувчи ҳам топилмади. Бағрим куюгига Аллоҳ каломи шифо, малҳам бўлди. Лекин ушанда кимдир «Тоҳир аканинг олдида борсангиз бўларди», деган гапни айтди-ю... мени ўттиз йиллар давомида билганларки тушунмаганидан кейин, бирор марта ҳатто гаплашиб ҳам кўрмаган Тоҳир аканинг олдида дардимни дастурхон қилиб боришга уйландим, журъатим етмади. Орадан бир муддат ўтиб, фарғоналик ҳажвиянарист курсдошим бошимга тушган ишлардан хабардор бўлган захоти «Юртинг, маслаҳат сўрайми», деб Тоҳир аканинг уйларида бошлади. Мен бўйнимдан бойлагандек борардим, чунки аввалги муносабатлар ҳаммадан, ҳар нарсадан умидимни узиб ташлаганди. Хонадон аъзолари бир қарашда жуда сокин, вазмин, синҷовдек кўринса-да, Тоҳир Малик билан меҳмонхонадаги суҳбатнинг бошланиши ёқимли ҳадик, юкни енгиллатганиди. Менимча, устоз диллимдаги иккилинишларни сезиб бўлган, меҳмоннинг иззатини ҳар томонлама чиройли жойига қўярдилар. Хуллас, муаммом бўйича гишт қопилган кўчиб бўлган, бу ёғи суянчимим сабр, ирода эди. «Нега шу масала келиб чиқиши билан менинг олдимга келмадингиз?». Тоҳир аканинг бу гапини эшитиб, ичим ёниб кетди. Чунки ўша пайтгача кимга мурожаат қилган бўлсам, иложи борича кейинги сафар остонасини бостирмасликка ҳаракат қилганиди, Тоҳир ака эса вақтида ёрдам сўрамаганим учун



мендан ёзғириб турибди... Шу муносабатнинг ўзидан (ўйга кел-гач) кўнглимни бир бўшатволдим, ичимда ёруғлик, ишонч қайта кўзини очгандек бўлди. Бир неча кун ўтиб телефон бўлди: «Мен сизнинг ишингиз бўйича масъул идорага боргандим. Раҳбари сафарда экан. Бошқалар бу масалани ҳал қила олмас экан», дедилар Тоҳир ака. Бу хулосага қўниб бўлгандим. Қўшиқингизни кунда ҳассага таяниб узоқ масофага менинг ташвишимни аритиш ниятида боришлари хаёлимга ҳам келмаганди. Узим ўша ҳолатни тасаввур қиламан, шу тасаввурни миннатдорчилик билан қалбимда олиб юраман. «Бош ақл ва илмга тўлиб-тошса ҳам, ахлоқини сира унутмаслик керак» – далилим бор бўлгани сабабли, Тоҳир Малик ўзининг бу гапини ҳаётда доим исботлаб яшаганига, фақат китоблари билан эмас, аниқ иш-амаллари билан қанчалар қалбларда ёруғ хотиралар қолдирганига ишонаман. ...Ушандан кейин яна уч-тўрт марта файзли меҳмонхоналарида забардаст инсон, забардаст ёзуви суҳбатларини олиш насиб этганига олти йилдан ошди. Аллоҳ раҳматларига фарқ қилсин, Тоҳир Малик худди ўзим билган марғи-лонликларга ўхшаб мулойим, юзлариде табассум билан, ҳазил қўшиб, самимий суҳбатларшардилар. Ҳар сафар инсонийлик, фаросат билан боғлиқ қандайдир сабоқ

олиб қайтардим. Ўқинганда... яна қия очик дарвозадан кириб бориб, ичкарида одам борлигига ишонч билан овоз бердим: – Муқаддас опа... Набира келин қулиб қикди, ёзғи айвонга тақлиф қилди. Дераздан ичкарига маълум қилди: – Ойижон, меҳмон келди. Уй зиналаридан эҳтиёткорлик билан тушган Тоҳир Маликнинг рафикаси Муқаддас опа шохлари ме-валардан майишган олпа, олхўри дарахтлари тагидан ўтиб келарканлар, юзларига ҳавасланиб тикилганча пешвоз бордим. Юришлари бир оз қийинлашиб, қадамлари оғирлашиб қолгандай, аммо юзлари ҳеч ўзгарма-ган – нуրга чайиб олингандай. Табиий, самимий, улғу ёшда ҳам меҳрибондек тортиб турган чехрада ички ва ташқи дилбарлик муржабди. Аёлларга хос мавзуларда бошланган суҳбатимизга устоз Тоҳир Малик номи қўйилиши билан Муқаддас опанинг кўзлари қизаради. «Аллоҳнинг иродаси. Ҳаммамизнинг борар жойимиз бир...» шунга ўхшаш гап қиламан. «Ҳа...» тасдиқлайди опа, аммо нигоҳидан кўриб турибмани, хаёли ўзи учун яққо ягона бўлган инсонга боғланди. «Тоҳир Маликни шу кам-суқум, беозор, бир оғиз ортиқча сўзламайдиган муаллима, ҳам-шира аёлдан ҳам яхшироқ биладиган одам бормикан?» – аниқ фикр-да бундан сал олдинроқ Муқад-дас опадан Тоҳир Малик ҳақидаги

ЭЗГУЛИК

хотираларини гапириб беришни сўрагандим, рози бўлмагандилар. Ушанда шифохонадан давола-ниб чиққан кунлари эди, мен бу жа-вобни ҳали бетобликнинг асорат-лари кетмаганлиги, беҳоллик би-лан боғлагандим. Бу сафар ҳам гапни секин-аста шу ўзганга бур-дим: «Тоҳир ака ҳақидаги хотира-ларингизни эшитгим келади...» Опа жилмайди: «Мендан интервью сўрашди. Тоҳир ака ҳамма гапларини ёзиб кетдилар. Мен интервью бермай-ман, айтган гапимни бошқача талқин қилиб қўйишлари мумкин. Бунинг жавоби бор. Тоҳир Маликни билмоқчи бўлган-лар у кишининг асарларини ўқиб ўрга-навурсинлар». Энди бу гапга изоҳнинг кераги йўқ, аниқ мавзуда гап очишга ҳад-дим йўқ! ...Мана, бу сафар ҳам инсонгар-чилик, касбим туфайли йўл қўйган, аммо оқибатини уйлаб ҳам кўрма-ган хатоларимга тавба қилиш учун ишора олиб кетяпман. Қарийб ярим асрлик журналистлик фаолиятимда воқеа-ҳодисалар шарҳини, одам-ларнинг гаплари, эътирофлари, ху-лосаларини кимларнингдир та-лабу хоҳишларига, замона зайлига мослаш, кимнидир «байроқ» қи-либ кўрсатиш учун сўзда «куроқ-чилик» қилигимдан тонсам, яна битта ёлгон бўлади. Базийда маъно ургуси жойини ўзгартирдирман. Филдан чумолио чумолидан фил асраган пайтларим ҳам бўлгандир. Арзимас хатоли тоғ деб ёзгандир-ман, сўзда турлангандирман ва ёки сўзда турланганларга чапак қалган-дирман... хатоларимни англамаган, англашни истамагандирман олки... Ўзига тулпа кесишни уддалай олми-ган одам бошқаларга угра кесишни ўргатмоқчи бўлганим қанчайкин? Ва энг ачинарлиси, шу пайтгача ёзиб магбуотда, китобларда элга тақдим этган бадиий ва публицистик асар-ларимдаги фикрларимнинг ҳам-маси беҳато каби кўнглим хотиржам юртиман. Ҳолбуки, улар менинг – камчиликлардан ҳоли бўлмаган бир одамнинг шахсий фикр-мулоҳаза-лари эканлигини доим ҳолис эъти-роф этиш инсоний, касбий бурчим эди. Шўқр, ҳечдан кўра кеч. Ботинию зоҳири ҳақиқий ўзе-б-кона бўлган хонадондан яна бир яхши ибрат олиб қайтдим.

Мухтарама УЛУҒОВА, журналист


ВАҚТНИ ҲАМ, МАБЛАҒНИ ҲАМ ТЕЖАЙДИ рақамли технологиялар барча соҳаларда қулайлик яратмоқда

Бугунги кунимизни рақамли тех-нологияларсиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, идоралараро ҳужжатлар айланиши ва расмий-лаштирилишида рақамли техно-логиялар қулайлик яратяпти. Ҳужжатларни рақамлаштириш бу маълумотларни қоғоз шаклидан электрон форматга ўтказиш орқали улар билан ишлашни осонлашти-риш, тезлаштириш ва ишончилиги-ни оширишдир. Электрон тизимнинг бир қатор афзалликлари бор. Масалан, ил-гари бир неча кун вақт талаб эт-ган юмуш бу йўл орқали бир зумда ҳал бўлмоқда. Электрон тизимлар фойдала-нувчи маълумотларини автоматик тарзда текширади. Бу эса инсон томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатolikларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, тайёр андоза-

лар ва автоматик тўлдириш функцияси фойдаланувчиларни нотўғри расмийлаштиришдан асрайди. Электрон ҳужжат айланиши орқали ташкилотлар ўз фаолият-ини шаффоф олиб бориш имко-нига эга бўлади. Ҳар бир ҳужжат ким томонидан ва қачон расмий-лаштирилгани, қаерда тўхтаб қол-ганини кузатиш мумкин. Аини шу жиҳат коррупцион ҳолатларнинг олдини олишда муҳим восита ҳи-سوبланади. Рақамли ҳужжатлар мар-казлашган серверларда сақла-ниши боис уларнинг йўқолиб қолиш даражаси деярли нолга тенг – бир зумда топиш мумкин. Ва эскириш ёки шикастланиш хавфи йўқ. Шунингдек, махфий-лик даражасига кўра, тегишли ҳужжатларга кириш ҳуқуқлари ҳам аниқ белгиланган бўлади. Энг асосийси, масофадан ту-риб ишлаш имконияти мавжуд. Электрон шаклда ишлаш ҳам

вақтни, ҳам маблағни тежайди. Шунинг учун бугун ташкилот ва идоралар рақамли технологиялар асосида ишлашни маъқул кўриш-моқда. ФХДЭ соҳасида ҳам электрон тизим жорий этилган, жуда кўп имкониятлар яратилди. Никоҳни қайд этиш учун онлайн ариза юбо-риш, никоҳ қайд этилганлиги ёки ажрашганлиги тўғрисида маъ-лумотнома олиш, тутилганлик ҳақида гувоҳнома (ариза берил-гандан сўнг ФХДЭ органи икки иш кунда гувоҳнома тайёрлаб, поч-тага юборади. Почта хизмати фуқаронинг манзилга етказиб беради) каби вазифалар шулар жумласидан. Сирасини айтганда, рақамли технологиялар барча соҳаларда қулайлик яратмоқда.

Нозима ҚАРИМОВА, Наманган вилояти Уйчи тумани ФХДЭ бўлими 2-тоифали инспектори



ТАРАҚИЁТ

Эълонлар

«Bread House» MCHJ (STIR 305362259) va «Three – Tech Group» MCHJ (STIR 305626008) qo'shilish shaklida qayta tashkil etish jarayonining boshlanganini ma'lum qiladi. «Bread House» MCHJ (STIR 305362259), 2018-yil 1-martda Davlat xizmatlari markazi tomonidan 584088-son bilan ro'yxatdan o'tgan, 2025-yil 25-iyundagi yagona ishtirokchining 5-sonli qaroriga muvofiq, «Three – Tech Group» MCHJ (STIR 305626008) tarkibiga qo'shiladi. «Three – Tech Group» MCHJ 2018-yil 29-iyunda Davlat xizmatlari markazi tomonidan 619069-son bilan ro'yxatdan o'tgan, 2025-yil 25-iyundagi yagona ishtirokchining 2-sonli qaroriga muvofiq. «Bread House» MCHJning barcha huquq va majburiyatlari bo'yicha huququiy vorisi sifatida «Three – Tech Group» MCHJ hisoblanadi. Davolov e'lon chop etilgan kundan boshlab 30 kun ichida quyidagi manzilga yuborilishi mumkin: Toshkent shahri, S. Azimov ko'chasi, 79-uy, tel.: +998909903898. Shri-Lanka fuqarolarining quyidagi pasportlari yo'qolganligi ma'lum qilindi: Chandrakumar Vithakan'ga 2023-yil 9-fevralda berilgan N10299448 raqamli pasport va Antonyamsy George Steepan'ga 2024-yil 3-mayda berilgan N11357904 raqamli pasport. Topganlar quyidagi WhatsApp raqam orqali bog'lanishlari mumkin: +94 77 144 1781. Andijon viloyati ichki ishlar bo'sqar-masi tomonidan 2021 yil 3 noyabrda podpolkovnik Alimov Shoxrux Maxmudovich nomiga berilgan 6100 raqamli pensiya guvohnomasi iyuqolganligi sababli bekor kiliinadi. Toshkent viloyati, Yangiylu tumani qida «SAYYID OTA» jome' masjidida ning dumaloq muxri iyuqolgan sababli bekor kiliinadi.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Акмалхўжа Холхўжаев ижросида

«КЕЛ, ЭЙ ДУНЁ!» қўшиғи

Сани чорлай саодатга, кел, эй дунё! Чароғон бул-ки жаннатга, кел, эй дунё! Қилай кўз-кўз Навойининг изи тушган Самарқандни, Деворларига Аллоҳнинг сўзи тушган Самарқандни, Келин бўлиб Бибихоним ўзи тушган Самарқандни, Муборак бир зиёратга, кел, эй дунё!

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»). Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93.

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV. Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA. Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV. Bahosi kelishilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 62 408 ta. Shundan: 6 187 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 306 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-611 1 2 3 4 5 6